

ТУЙЧИЕВА Нилуфар Махсутжановна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом сивилизациясини
ўрганиши ICESCO кафедраси доцент
вазифасини бажарувчи, PhD
nilufartuychieva79@gmail.com

НАҚШБАНДИЙЛИК ТАРИҚАТИДА ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

THE IMPORTANCE OF EDUCATION IN THE TARIKAT OF NAQSHBANDIYA

ЗНАЧЕНИЕ ВОСПИТАНИЯ В НАКШБАНДИЙСКОМ ТАРИКАТЕ

Аннотация. Мазкур мақола Ўрта Осиёда кенг тарқалган нақшбандийлик тариқати ва ундаги камолот босқичлари ҳақида баён қилади. Муаллиф нақшбандийликдаги руҳий юксалиш даражалари ва уларнинг асосчилари ҳақида сўз юритган. Нақшбандийликда ижтимоий фаолинка чақирилиши ва ҳалол меҳнатга ундашнинг моҳияти кўрсатиб берилган. Шунингдек, бугунги кунда ёшлар тарбиясида тариқат одоби қандай аҳамият касб этиши таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: ирфон, тасаввуф, урафо, суфий, ҳикмат, сулук, нафс

Annotation. This article describes the Naqshbandi tarikat widespread in Central Asia and the stages of maturity in it. the author talks about the levels of spiritual development of the Naqshbandis and their founders. Naishbandiya shows the essence of the call for social activity and the encouragement of honest work. It also analyzes how important sect morals are in modern youth culture.

Key words: irfan, tasawwuf, urafa, sufi, hikmat, journeying and initiation, lust.

Аннотация. В данной статье рассматривается нақшбандийский тарикат, широко распространенный в Средней Азии. Особое внимание уделяется этапам духовного совершенствования в этом суфийском ордене и их теоретическому обоснованию. Автор ана-

лизирует, как нақшбандийский тарикат сочетал в себе призыв к активной общественной жизни и высокие нравственные требования. Кроме того, исследуется актуальность нақшбандийских ценностей для современной молодежи.

Ключевые слова: ирфан, тасаввуф, урафа, суфий, мудрость, идущий по мистическому пути, душа.

КИРИШ

Тасаввуфнинг асосий мақсади инсоннинг руҳий камолотини таъминлаш ва тарбиянинг энг юқори даражаларига кўтаришдан иборат. Бу мақомга турли тариқатларда ҳар хил услублар билан эришиш муҳим саналади. Ислом динининг асосини ҳам айнан юксак ахлоқ билан хулқланиш ташкил қилади. Ўрта Осиёда кенг тарқалган, кишиларни меҳнатга, жамоавийликка ва бирдамликка чакирувчи нақшбандийлик тариқатида камолот босқичлари аниқ кўрсатилгани билан ажралиб туради.

Классик давр мутасаввифларидан Абул Қосим Қушайрий тасаввуфдаги мақомлар ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Бир мақомдан бошқасига кўтарилиши учун аввало ўша мақомнинг ичидаги қийинчиликлари ва талабларини тўла бажаргандан сўнг ўтилади. Кимда қаноат бўлмаса унга таваккул тўғри келмайди, кимда вараъ бўлмаса унга зуҳд тўғри келмайди”. Абул Қосим Қушайрий бу таърифи билан тарбия босқичма-босқич амалга ошишини, бир даражани тўлиқ ўзлаштирмай туриб кейингисига ўтмаслик зарурлигини уқтиради.

АСОСИЙ ҚИСМ

XII-XIII асрларга келиб шакллана бошлаган тариқат бирлашмалари ва суфий жамоаларида дастлаб ўзига хос ноанъанавий амалиётлар кўзга ташлана бошлаган эди. “Жазба” кидириш, ақл-хушдан айрилиб, девона бўлиб юриш, шаҳардан-шаҳарга мақсадсиз кезиш, таркидунёчилик кайфияти авж олиши, узлатга чекиниш, хайр-эхсон ҳисобига кун

кечириш иллатлари авж ола бошлаган эди. Хожагон-нақшбандия тариқати вужудга келган даврдан бошлаб тасаввуфий ҳаётга фаол ислоҳот билан кириб келди. Хожагон тариқатининг асос ғоялари қисқа шиорлар (“рашҳа” – кўпл. “рашаҳот” – араб. томчи, катра) орқали баён қилинди. Бу билан тариқат назариётчилари суфийларни ижтимоий фаоллигини оширишни мақсад қилган эдилар. Хожагон сулукини Мовароуннаҳрга олиб кирган Юсуф Ҳамадоний ушбу тариқатнинг дастлабки тўрт “рашҳа”сини ишлаб чиқди. Хусусан, “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида у киши: “Хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман”, – дер эди” [9:23], дейилган. Бу шиор – “рашҳа”лар ҳозирги кунда бир қадар содда ва кўпроқ амалий жиҳатдан шарҳланса-да, ўз давридаги тасаввуфий ҳаёт учун инқилобий фикрларни ўз ичига олган эди. Аслида бу рашҳалар хожагон тариқатининг бошқа тариқатларга нисбатан тутган мавқеини кўрсатиб бера олди:

– “Хуш дар дам” (ҳар нафасда ақл-хушни ўзда сақлаш) – бу мавқе айнан соф ислом нуқтаи назарини ифода этиб, Қуръон, ҳадислар ва шариат манбаларида ақлсизлик ёки онгсизликка доимо салбий муносабат билдирилган. Мажнунлик ва девоналик асло фазилат ҳисобланмаган. Қуръон оятларида кетма-кет “...шоядқи ақлингизни ишлатсангиз” ибораси келиши бежиз эмас [1:73]. Имом Ғаззолий “Иҳё улуми-д-дин” асарида ҳам ақл масаласига алоҳида боб бағишлаб, ақл фазилатига тегишли ҳадисларни санаб ўтган [8:204]. Юсуф Ҳамадоний шахсиятига келсак, Абдулҳолик Ғиждувоний у зот ҳақида: “Тафсир, ҳадис, фикх, усул, фуруъ ва каломга доир етти юзта китобни ёд олган, икки юз ўн уч нафар машойих билан суҳбат тутган... Янги ой кирганда Самарқанд пешволарини чақирар, улар билан шариат илмидан баҳс ўтказарди... мадрасада талабаларга дарс берар эди [9:25]”, – деган таърифларни келтирган. Айтиш мумкинки, Юсуф Ҳамадоний бу “рашҳа”да ўзи ўрнак бўлиб, ҳаётига жорий қилган эди;

– “Назар бар қадам” (оёқ остига қараб юриш) – ўша давр суфийлари орасида “гўзал юз истаги” шиор даражасига чиққан эди. Айрим қаландар ва дарвешлар номаҳрамларга қарашдан тийилмас, улар орасида ҳар қандай гўзал нарсани томоша қилиш Аллоҳнинг тажаллийсини мушоҳада қилиш, деб талқин қилина бошлади. Юсуф Ҳамадоний хожагон тариқатига “назар бар қадам”ни киритиш орқали бу ҳолатга тўғри жавоб қилди. Бу ҳам ислом таълимоти билан ҳамоҳанг бўлиб, Қуръондаги “Мўъминларга айтинг, нигоҳларини қуйи тутсинлар” [3] оятига асослангандир.

– “Сафар дар ватан” (яшаб турган жойида ўзни мусофирдек тутиш) –замондош суфийлар шаҳарма-шаҳар кезиб қаландарлик қилиб юришни тасаввуфнинг ўзига хос белгиси сифатида кўраётган бир даврда, хожагон тариқатида ўтроқлик тарғиб қилиниши, тариқатнинг дарбадарликка қарши қатъий ва муросасиз мавқеда туришини кўрсатиб берди. Сабаби, қаландар жойдан-жойга кўчиб юришда одамларнинг қўлига қарам бўлиб, хайр-эҳсон ҳисобига яшашга мажбур бўлади. Бу эса тариқатнинг инсон ўз меҳнати билан кун кечириш борасидаги талабига зид келади.

– “Хилват дар анжуман” (кўпчилик ичида қалбан холи бўлиш) – тасаввуф аҳлининг асосий хусусияти таркидунёчилик ва узлатга чекиниш, хонақоҳ ва зовияларда яшаш деб тушунила бошлаган, хилватнишинлик тариқат аҳлининг шиорига айлана борган бир пайтда хожагон тариқатида бунинг акси ўлароқ ижтимоийлашув ва жамоадан ажралмай ҳаёт кечиришга чақириқ акс этди. Зотан, хилватда яшашда ҳам бошқа одамларга муҳтожлик, тирикчилик юқини ўзгаларга ташлаш ҳолати юзага келади. Бошқа тарафдан хилватга чекинган ва таркидунё қилган кимса одамлар орасида “суфий”, “зоҳид” деган ном олиши риёга йўл очади, яъни тоатни холис эмас, одамларнинг кўзи ва сўзи учун бажаргандек ҳолат юзага келади. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам “Бизнинг йўлимиз суҳбатдир. Хилватда шуҳрат, шуҳратда эса офат бордир. Яхшилик

жамоат биландир”, деб таъкидлаган. Боз устига бундай ҳаёт кечириш роҳибликка ўхшаб қолади. Ислонда эса роҳиблик йўқ экани қатъий таъкидланган. Қуръонда “Роҳибликни эса ўзлари ўйлаб топганлар, уларга буни буюрганимиз йўқ” [7] дейилган.

Юқоридаги тўрт “рашҳа” тариқатнинг шаклланиш босқичида мустаҳкам мавқега эга бўлиш, бошқа тариқатларга нисбатан қандай позицияда эканини кўрсатиш учун самарали хизмат қилган. Тариқат оёққа туриб олгач, унинг амалий жиҳатларини қарор топдириш, суфий амалиётининг назарий асосларини ишлаб чиқиш долзарб бўла бошлади. Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун Абдулҳолиқ Ғиждувоний қуйидаги тўрт “рашҳа”ни киритишга эришди.

“Ёд қард” – (ёд этиш, эсга олиш) тасаввуфда “зикр” деб номланган амалиётнинг бажарилиши шартларини ифода этади. “Рашаҳот”да келишича зикр тил билан қалб боғлиқлигида амалга ошади, қуруқ тил билан эмас. Аммо зикр тилсиз, қалбнинг ўзи билан бажарилиши мумкин. Баҳоуддин Нақшбанд айтганидек, “зикрдан мақсад қалбнинг доим Ҳақ таолони севиш ва улуғлаш билан ҳозир бўлишидир, чунки зикр ғафлатни кетказди”.

– “Боз гашт” – (қайтариқ, қайтадан бошлаш) хожагон-нақшбандия зикр амалиётида “ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини олган бўлиб, бунда “ҳабси нафас”да (нафасни ушлаб туриб) тоқ марта қайтарилади. Ҳар сафар муайян санок бажарилгач, “Илоҳий анта мақсудий ва ризока матлубий” (Худойим, сен мақсадимсан, розилигинг эса талабимдир) деб, санокни бошдан бошланади [2:60-61];

– “Нигоҳ дошт” – (сақлаш, кўриқлаш) зикр калималарини қайтараётганда ҳаёлидан бошқа нарсалар ўтишига йўл қўймаслик, фикр-у ҳаёлини зикрдан чалғитувчи нарсалардан кўриқлаб, жамлаб туриш;

– “Ёд дошт” – (ёдда тутиш) ёд этишдан (“ёд қард”дан) фарқли равишда, эслашни эмас эсдан чиқармасликни назарда тутди [8:65].

Абдулҳолиқ Ғиждувоний киритган сўнгги икки “рашҳа”нинг номи Ҳаким Термизийнинг

“Жавобу китоб мин ар-Рай” (Рай шаҳридан келган мактубга жавоб) асарида учрайди. Ҳаким Термизий “нигоҳ дошт”ни арабча “ҳифз”, “ёд дошт”ни эса “зикр” сўзи билан тенглайди ва бироз ўзгача маъно беради. “Ҳифз” яъни “нигоҳ дошт” амалларга ўта хассослик билан ёндошиш, уларни “кўриқлаб-сақлаб” юришни, ҳар бир шаръий амални пухта бажариш ва буйруқ-қайтариқларга қатъий риоя қилишни англатади. “Ёд дошт”да эса ёд этиш ва ёдда тутиш (зикр) жамланади [4:184]. Бундан кўринадики, хожагон тариқати назарий асослари Юсуф Ҳамадоний ғоялари билан бир қаторда ўз заминимиздан чиққан алломаларимиз мероси билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этган ва бунда Ҳаким Термизий илмий мероси муҳим ўрин тутганини кўрсатади. Нақшбанднинг хос шогирди Муҳаммад Порсо ҳам Ҳаким Термизий меросидан самарали фойдалангани маълум [5:125]. Аммо, Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган даврда, яъни хожагон-нақшбандиянинг шаклланиш давридаёқ тариқатга Ҳаким Термизий таъсири кучли бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Хожагон силсиласини Юсуф Ҳамадоний олиб киргани ҳолда, тариқат шаклланишида маҳаллий таъсир мавжудлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Бунинг учун тариқатнинг Баҳоуддин Нақшбандга қадар шаклланган анъаналарини ўрганишда “рашаҳот” тизимини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Қуйидаги “рашҳа”ларни эса Баҳоуддин Нақшбанд киритган улар ҳам амалий ҳам назарий аҳамиятга эга:

– Вуқуфи замоний – (вақтга қатъий риоя қилиш) амалий жиҳатдан муайян зикр, вирд, вазифаларларнинг ўз белгиланган вақти ва муддатига риоя қилиниши шарт. Бу солиқлар учун қатъий тартиб-интизомни шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Бу қоида ҳам ислон дини талабларига асосланган бўлиб, ҳар бир фарз ва суннатда келган нафл ибодатларининг белгиланган вақти бор. Масалан, фарз намозлар вақти киргандагина ўқилиши фарз бўлади, вақтидан олдин

ўқилгани қайта ўқилади. Нафл намозларни ишрок, зуҳо, аввобин, таҳажжуд кабилари ҳам муайян вақтларда ўқилиши белгиланган. Яъни зуҳо намози аслида нафл бўлсада, у ҳам ўз вақтида ўқилгандагина зуҳо намозига ўтади. Зикр ва вазифалар ҳам ибодат ниятида бажарилгани жихатидан уларнинг ҳам муайян вақтларига риоя қилиш тариқат талабларига киради.

– Вукуфи ададий – (санокқа қатъий риоя қилиш) Солик ҳамиша зикр чоғида ададга риоя қилиши лозим. Чунки зокир ададга риоя қилгандагина, ўз фикр ва ҳаёлини идора эта олади. Бунинг устига бунда “Хуш дар дам”га риоя қилиш осон кечади, зокир зикр вақтида ақлини жамлаб туради, ўзини йўқотиб жазбага берилиб кетмайди. Зикрда санокқа риоя қилиш ҳам бир қатор ҳадисларда келган.

– Вукуфи қалбий – (қалб ҳозирлиги) бу қоида зикрнинг асосий талаби дейиш мумкин. Зеро, зокир ўз вақтида ва санокқа риоя қилган ҳолда зикрларни адо этиб борса-ю ҳаёли жойида бўлмасдан бошқа нарсаларга чалғиб бажарса у “нигоҳ дошт” талабига амал қилмаган бўлади. Шунинг учун солик доимо Аллоҳ таолони ёдда тутиши, унинг қалби ҳамиша Аллоҳ ёди билан банд бўлмоғи лозим, дейилади.

Шу тариқа Абдулҳолик Ғиждувоний асослаган хожагон тариқати Баҳоуддин Нақшбанд хизмати билан янги бир даража касб этди. Шунинг учун манбаларда энди бу тариқат хожагон-нақшбандия деб атала бошлади. Хожагон-нақшбандиянинг XV асрдаги йирик вакили, Алишер Навоийнинг пири ва устози Нуриддин Абдурахмон Жомий (1414-1492) илк бор бу тариқатни тўғридан-тўғри «нақшбандия» деб атади.

ХУЛОСА

Шуни айтиш керакки, бу рашҳалар – аслида, соликларнинг зикр тушиш маҳали амал қилиши лозим бўлган қоидалари. Аммо уларнинг яна қанчадан-қанча рамзий,

фалсафий ва ҳаётий маънолари бор. Бу қоидаларга амал қилиш соликнинг зикр маҳали ўз руҳини назорат этиб, мақсадга йўналтириб туриши учун зарур. Мазкур шиорларнинг тор маънодагина зикр амалиёти билан боғлиқ. Уларларнинг ҳар бири яна шундай кенг маъноларга эгаки, суфий нафақат зикр пайтидагина, балки, умри давомида уларга риоя этиб бориши зарур.

Фойдаланилган Адабиётлар рўйхати:

1. Бақара сураси 73, 242; Анъом сураси 151; Юсуф сураси 2; Нур сураси 61; Ғофир сураси 67; Зухруф сураси 3; Ҳадид сураси 17. // Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2018.
2. Кошифий, Хусайн ибн Али. Рашаҳот айни-л-ҳаёт (араб тилида). Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1971. – Б. 60-61.
3. Нур, 30. //Қаранг: Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги таржимаси ва тафсири.тарж. А.Мансур. Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2015.
4. Термизий, Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким.Жавобу китоб мин ар-Рай. // Салосату мусаннафот лил-Ҳаким ат-Термизий. Нашрга тайёрловчи Б.Радтке. Байрут: 1992. – С. 184.
5. Усмонов И. Наводир ал-усул ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 125.
6. Хаджи Абдулғафур Раззак Бухари. Введение в суфизм (на основе учения Накшбандия). Москва: Имидж Пресс, 2010. – С. 65.
7. Ҳадид, 27. // Қаранг: Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги таржимаси ва тафсири.тарж. А.Мансур. Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2015.
8. Ғаззолий, Абу Ҳомид Муҳаммад. Ихё улуми-д-дин. Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2014. – Б. 190-204.
9. Ғиждувоний, Хожа Абдулҳолик. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тарж. С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан. Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 23